



ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ

Сайдова Субҳинигор Азизовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Банк иши ва инвестициялар
кафедраси 2-курс докторанти

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a52

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилишининг ҳуқуқий жиҳатлари ёритилган. Шу билан бирга, бу жараёндаги мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги механизмни такомиллаштириш ўйналишлари ёритилган.

Калим сўзлар: аёллар тадбиркорлиги, имтиёзли кредитлар, оиласи тадбиркорлик, кредитлаш, кредит риски, кафолат фонди, гаров таъминоти, кредит тарихи, фоиз ставкаси.

ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ЖЕНЩИН В ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В УЗБЕКИСТАНЕ

Сайдова Субҳинигор Азизовна

Докторантка 2 курса кафедры «Банковское дело и инвестиции»
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье освещены правовые аспекты широкого вовлечения женщин в предпринимательство в Узбекистане. При этом выделены существующие проблемы в этом процессе, пути их устранения, направления совершенствования действующего механизма финансовой поддержки женского предпринимательства.

Ключевые слова: женское предпринимательство, льготное кредитование, семейный бизнес, кредитование, кредитный риск, гарантийный фонд, залог, кредитная история, процентная ставка.

LEGAL ASPECTS OF INVOLVING WOMEN IN ENTREPRENEURSHIP IN UZBEKISTAN

Saidova Subhinigor Azizovna

2nd year doctoral student of the Department of Banking
and Investments Tashkent state university of economics

Annotation. The article highlights the legal aspects of the widespread involvement of women in entrepreneurship in Uzbekistan. At the same time, existing problems in this process, ways to eliminate them, and directions for improving the current mechanism of financial support for women's entrepreneurship are discussed.

Key words: women's entrepreneurship, preferential lending, family business, lending, credit risk, guarantee fund, collateral, credit history, interest rate.

Кириш. Ҳозирги кунда республикамиз аҳолисининг ўн етти миллиондан кўпроқ қисми хотин-қизлардан иборат. Давлатимиз раҳбари томонидан гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг бандлиги, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларда бир қатор устувор вазифалар белгилаб олиниб, тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлган аёлларнинг улуши кичик бизнес вакиллари умумий сонининг 25 фоизига етди ва яқин истиқболда бу кўрсатични 40 фоизга етказиш мақсад қилиб

олинди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Аёллар тадбиркорлиги бўйича бир қатор хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимлар тадқиқотлар олиб боришган.

Россиялик иқтисодчи олимлар Н.Ю.Иванов, М.П.Цынзак, М.А.Петраков, Н.Ю.Багаева, С.С.Степанованинг фикрича, аёллар тадбиркорлиги фақат бир ёки бир нечта тадбиркорлик турлари билан бирлаштирилиб, махсус аёл паритетини қайта тиклади. Шу билан бирга, аёл ўз тадбиркорлик фаолиятини танлашда иккита асосий мезонга амал қилиши мумкин деб ҳисоблашади: 1) ўз-ўзини банд қилиш ва репититорлик хизматларини кўрса-

тиш, мактаб ёшидаги болалар учун овқатлашиш ва дам олиш фаолиятини кўрсатиш, хаста ва (ёки) қарияларга ғамхўрик қилиш вазифаларини бажариш ва ҳоказо; 2) аёлларнинг кичик бизнесини ташкил қилиши ва “иш берувчи” сифатида аёлларнинг ижтимоий функциясини амалга ошириш орқали ўз қарорлари учун жавобгар бўлишлари [4].

Республика гендер комиссияси аъзоси Саида Мирзиёева [5] аёлларнинг иқтисодий мустақил бўлиши оиласидан зўравонликка қарши курашишга ёрдам беради, шахсий ривожланиш ҳамда ўзи ва фарзандларининг келажагига ишонч билан қараш имконини беради, деб ҳисоблади.

Сенат раиси Танзила Норбоева «Бугун хотин-қизлар иштирокисиз иқтисодиёт ўз салоҳиятини тўлиқ ишга тушира олмаслиги очик-ойдин кўриниб турибди. Аёллар эркаклар каби иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Хотин-қизлар стереотиплар ва яккалаш туфайли яратилган чегаралар ва тўсиқларни енгиг ўтишга қодир.

Тадбиркор, новатор ва глобал ҳаракатлар ташаббускори сифатида улар ўз жамоалири ва мамлакатларининг барқарор ривожланиши ҳамда фаровонлигига катта ҳисса қўшмоқда. Аёлларимиз бизнес, сиёсат, илм-фан ва бошқа соҳаларда эркаклар каби муваффақият қозона олади» [6] деб ҳисоблади.

Н.Р.Аннаеванинг фикрича[7], Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллиги алоҳида жиҳатларга асосланади, муаммолар аёлларнинг оиласидаги, жамиядаги мавқеини оширишга қаратилиши керак. Иқтисодчи О.А.Ариповнинг[8] илмий тадқиқотларида аёлларнинг тадбиркорликдаги фаоллиги масалалари маълум даражада назарий аҳамият касб этган.

Х.Абдурамонов, Ш.Зокировнинг[9] тадқиқотларида хотин-қизларнинг тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини кўллаб-куватлаш бўйича хориж тажрибаси тадқиқ қилинган ва муаллифлар томонидан Ўзбекистон шароитида амалда қўллаш юзасидан таклифлар берилган.

Бироқ республикамизда аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасида муаммоларнинг мавжудлиги илмий мақола мавзусининг долзарблигини билдиради.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришни

такомиллаштиришда олимлар ва соҳа вакилларининг иқтисодий қарашлари, уларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар. Кейинги йилларда хукуматимиз томонидан хотин-қизларни кўллаб-куватлашга қаратилган бир қатор хукуқий-меъерий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш” мақсадида Ўзбекистон Республикасида бу борадаги мавжуд муаммолар аниқланди ва уларни бартараб этиш юзасидан амалий ишлар олиб борилди.

«Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойили асосида ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ҳаракатлар стратегияси ҳар бир соҳада улкан ислоҳотларни амалга ошириш билан бошланган бўлса, Тараққиёт стратегиясида эса мазкур ислоҳотлар узвийлиги таъминланганни ҳолда давом эттирилмоқда [13].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ЕТТБ Бошқарувчilar кенгашининг 32-йиллик йиғилишида: “Биз Янги Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини янада кўллаб-куватлаш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқриш учун тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратяпмиз”, – деб таъкидлаб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу борадаги ишлар тизимли равишда такомиллашиб бормоқда, жумладан, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” қабул қилинган фармон [1]нинг 69-моддасида республикамизда хотин-қизларни кўллаб-куватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бир қатор вазифалар илгари сурилган (1-расм).

- 1** Жамиятда хотин-қизларга тазийк ва зўравонликка нисбатан муросасизлик мухитини яратиш, хотин-қизларниң ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш.
- 2** Гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларниң ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-кувватлашга доир ислоҳотларни амалга ошириш.
- 3** Хотин-қизларниң таълим ва касбий қўнікмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-кувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилияtlарини тўғри йўналтириш.
- 4** Худудларда, айниқса, кишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш.
- 5** Турар жойга муҳтоj хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш.
- 6** Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-кувватлаш.
- 7** «Аёллар дафтари» билан манзилли ишлаш, мутасадди ташкилотлар томонидан хотин-қизларниң муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

1-расм. Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашнинг устувор вазифалари.

Манба: расм муаллиф томонидан ишланган.

Сўнгги олти йилда республикамизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида жами 3 087 та ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, 153 та қонун қабул қилинди [10].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги ПҚ-2746-сонли “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 10 февралдаги ПФ-2767-сонли “Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2996-сонли “Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 7 мартағи ПҚ-4235-сонли “Хотин-қизларниң меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувват-

лашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилишга, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини фаоллаштиришга эътибор қаратилган.

2023 йил 12 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга асосан мамлакатимизда “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури амалга оширилиши белгиланган, 2023-2024 йилларда дастурни амалга ошириш учун жами 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилиши режалаштирилган.

Бунда дастурга киритилган тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун 2023 йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан тижорат банкларига 100 миллион АҚШ доллари эквивалентида кредит линияси очилиши қўзда тутилган. Шу билан бирга, оиласи тадбиркорликни ри-

вожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан 1 триллион сўм йўналтирилиши кўрсатилган.

Халқаро молия ташкилотларидан 200 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар жалб қилиниб, кредит линияси маблағлари тижорат банкларига 10 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан 10 фоиз ставкада берилиши назарда тутилган[10].

Юқорида санаб ўтилган хуқуқий-меърий хужжатлар асосида Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш

учун кенг кўламли имтиёзлар тақдим этилган.

Президентнинг 2022 йил 7 мартағи ПФ-87-сонли “Оила ва хотин-қизларни тизимили қўллаб-куватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан “2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳалирида фаоллигини ошириш бўйича миллий дастур” тасдиқланиб, унда куйидаги хотин-қизлар бизнеси учун имтиёзлар белгиланган[11].

1-жадвал

Хотин-қизлар бизнеси учун ажратилаётган имтиёзлар

1.	Хотин -қизларни давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида касб-хунарга ўқитишнинг янги тартиби	2022 йил 1 июндан бошлаб хотин-қизларни давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида касб-хунарга ўқитишнинг янги тартиби жорий этилган. Республикаизда ташкил этилган “Ишга марҳамат” мономарказлари ҳузурида малакани баҳолаш марказлари ташкил этилиб, малака сертификатини олган хотин-қизларга меҳнат фаолиятини йўлга кўйиш учун малакани баҳолаш марказлари томонидан ўқитиш харажатларига мутаносиб равишда субсидиялар ажратилиши йўлга кўйилган
2.	Эҳтиёжманд хотин-қизлар бандлигини таъминлаш	Эҳтиёжманд хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш мақсадида қишлоқ жойларда ушбу тоифадаги кичик тадбиркорлик субъектлари 2025 йилгача мол-мулк солиғи ва ер солиғини 50 фоизга камайтирилган ставкада, ижтимоий солиқни эса 1 % ставкада тўлаши белгиланган; шунингдек, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини тўғридан-тўғри шартномалар асосида давлат харидлари доирасида 200 млн. сўмгача бўлган миқдорда сотиш хуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган.
3.	Тадбиркор хотин-қизларга имтиёзли кредитлар ажратиш	Тадбиркор хотин-қизларга имтиёзли кредитлар ажратишни ривожлантириш вазифасидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини бошлаган аёлларга 6 ойдан 12 ойгача муддатда 300 млн. сўмгача, 2 йилгача ишлаганларга 1 млрд. сўмгача, 2 йилдан зиёд ишлаганларга 3 млрд. сўмгача кредитлар ажратилмоқда. Кичик бизнес очган аёлларга (тикиш, йигириш, қандолатчилик, сартарошлиқ) асбоб-ускуналар харид қилиш учун ажратиладиган субсидиялар миқдори 7 млн. сўмдан 10 млн. сўмга оширилган

Манба: жадвал муаллиф томонидан шакллантирилган.

Шахсий томорқада гул, лимон, мева ва сабзавот етишириш учун иссиқхоналар қуриш, шунингдек, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик билан шуғулланиш учун 35 млн. сўмгача имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Томорқада тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар ўз-ўзини банд қилганларга тенглаштирилиб, тегишли солиқ ва бошқа имтиёзлардан фойдаланишлари белгиланган.

Куйида келтирилган 2-жадвал маълумотлари таҳлилидан аҳолининг қарз мажбуриятларини бажариш ҳолати билан боғлиқ ҳавотирлар ортиб бораяпти, деб ҳисоблаши-

миз мумкин. Жумладан, жисмоний шахсларнинг қарзга хизмат кўрсатиш коэффициенти ўсуви трендни намоён этмоқда, бу бевосита чакана кредитлар бозорида фаолликнинг ошиши билан изоҳланади. Ушбу тренднинг сақланиб қолиши жисмоний шахслар даромадининг кўпроқ қисми қарзларни сўндиришга йўналтирилганлигини ҳамда уларнинг даромад ва бошқа шокларга нисбатан таъсирчанигининг ортиши бўйича хатарлар мавжудлигини кўрсатади. Жисмоний шахслар таркибида талаба қизлар ва аёллар учун ажратилган таълим кредитлари, тадбиркорлик учун ажратилган кредитлар салмоғи ҳам ортиб борган.

**Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиги тўғрисида
кредитлар турлари бўйича маълумот [14] млрд. сўм**

Кўрсаткич номи	01.01.2023 й.	01.01.2024 й.	Ўзгариши, (фоизда)
Жами кредит қолдиги	390 049	471 406	21 %
Жисмоний шахсларга ажратилган кредит қолдиги	100 949	148 621	47 %
Ипотека кредитлари	46 460	58 177	25 %
Микроқарзлар	14 651	24 525	67 %
Истеъмол кредитлари	23 177	44 589	92 %
Таълим кредитлари	2 057	4 745	131 %
Тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар	14 567	16 395	13 %
Бошқа кредитлар	36	191	423 %

Манба: жадвал муаллиф томонидан шакллантирилган.

Келтирилган иккинчи жадвал маълумотларидан тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар 2024 йил 1 январь ҳолатига 13 %га ортганини ва 16 395 млрд. сўмни ташкил қилганини кўришимиз мумкин. Таълим кредитлари 113 фоизга ортган, шу ўринда хотин-қизларнинг таълим кредитлари имтиёзли шартлар асосида берилаётганлиги алоҳида аҳамиятга молик масала ҳисобланади, истеъмол кредитлари ҳажми эса ўтган йилга нисбатан 92 фоизга ўсган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда аёллар ўз иқтисодий ҳукуқларини амалга ошириш жараёнида кўплаб қийинчиликларга дуч келмоқда ва шу сабабли улар яширин иқтисодиётга ўтишга мажбур бўлмоқда. Шу боис янги стратегия ва дастурлар аёллар тадбиркорлигининг асосий муаммоларини ҳал этишга, жумладан, уларнинг молиявий, расмий меҳнат бозорлари ва қўшилган қиймат занжирларига, ўз бизнес мақсадларига мустақил равишда эришиш учун технология ва билимларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган.

Хулоса ва таклифлар. Бугунги кунда иқтисодий ўсишнинг муҳим шартларидан бири бўлиб, аёллар тадбиркорлиги ҳисобланади. Хотин-қизларнинг фаол иштироки бевосита иқтисодий юксалиш ва фаровонликка хизмат қилиши асрлар мобайнида ўз исбо-

тини топган. Ҳозирда ижтимоий йўналишдаги лойиҳалар ва бизнеснинг аксарият қисми аёллар томонидан амалга оширилмоқда. Кўплаб тадбиркор аёллар қишлоқ жойларда меҳнат қилиши ва аёллар тадбиркорлигини “яшил иқтисодиёт” призмаси орқали ривожлантириш, аёлларнинг янада фаол иштирок этиши учун катта салоҳиятга эгалиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Аммо хотин-қизлар салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришни чекловчи ёки унга тўсқинлик қилувчи омиллар ҳали ҳам кўп. Буларга иқтисодий имкониятларнинг тенг эмаслиги, аёлларнинг уй-рўзгор ва оила бошқарувидаги номутаносиб масъулияти, жамиятдаги гендер меъёрлари ва стереотиплари каби омилларни мисол қилишимиз мумкин. Айнан шу боис ҳам аёлларнинг иқтисодий ҳукуқ ва имкониятларини кенгайтириш алоҳида эътибор, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашни талаб этади.

Хотин-қизларнинг иқтисодий ташаббусларини ривожлантириш ва рағбатлантиришга ёндашув давлат, хусусий, молиявий, халқаро ва нотижорат институтларининг самарали ўзаро ҳамкорлигига асосланиши натижасида хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратишга хизмат қиласди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони, 28.01.2022 йил. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир шиларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сонли фармони. 07.03.2022 йил. <https://lex.uz/docs/5899498>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизимини таомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори. 22.07.2022.
4. Иванов Н.Ю., Цынзак М.П., Петраков М.А., Багаева Н.Ю., Степанова С.С. Женское предпринимательство: возможности и противоречия. <https://doi.org/10.24182/2073-6258-2023-22-3-117-130>

5. Саида Мирзиёева аёллар тадбиркорлигини қўллаб-кувватлашга чақирди. <https://dunyo.news/uz/news/zamin-saida-mirzieeva-aellar-tadbirkorligini-ullab-uvvatlashga-chairdi-zaminuz-62ffd10a7c53b>
6. Танзила Норбоева. «Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-кувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда». <https://bugun.uz/ozbekistonda-ayollar-tadbirkorligin>
7. Аннаева Н.Р. Аёллар тадбиркорлигининг генезиси, назарияси ва амалиёти (Ўзбекистон мисолида). Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2018.
8. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёлларнинг ўрни. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. З-сон, май-июнь, 2017 йил.
9. Абдурамонов Х., Зокиров Ш. Хотин-қизларнинг тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини қўллаб-кувватлаш бўйича хориж тажрибаси. <https://cyberleninka.ru/article/n/hotin-izlarning-tadbirkorlik-va-biznes-faoliyatini-lab-uvvatlash-b-yicha-orizh-tazhribasi>
10. Жумаев Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор ўйналиши. <https://aniq.uz/yangiliklar/kichik-biznes-va-xususiy-tadbirkorlik-mamlakatimiz-iqtisodiyotining-ustuvor-yunalishi>
11. Маҳмудова Г. Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлиги. // "Иқтисодий шарҳ" журнали. 8-сон. 2023 й. <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-ayollar-tadbirkorligi> 03.10.2023 09:30
12. Абдиохидова Г.Р. Ўзбекистонда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилишининг қонуний асослари ҳақида айрим мулоҳазалар. <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-hotin-izlarni-tadbirkorlikka-zhalb-ilishning-onuniy-asoslari-a-ida-ayrim-mulo-azalar>
13. Azlarova, A. (2023). Особенности развития банковской системы Республики Узбекистан на современном этапе. *Economics and Innovative Technologies*, 11(5), 1-7. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss5/a1
14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.



KICHIK VA O'RTA BIZNES SEKTORINING MAMLAKAT IQTISODIY RIVOJLANISHINI RAG'BATLANTIRISHDAGI AHAMIYATI

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a53

Tuganbekova Nursuluv

Menejment va Marketing kafedrasи
katta o'qituvchisi Toshkent shahridagi
Kimyo xalqaro universiteti

Annotatsiya. Ushbu maqola mamlakatda kichik va O'rta korxonalar (ko'k) o'sishini rag'batlantirishning ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyatini o'rganadi. Unda ushbu sohada davlat tomonidan yordam ko'rsatish zarurligi muhokama qilinadi, iqtisodiyotning turli sohalaridagi kichik biznes uchun muhim ko'rsatkichlar yoritiladi, O'zbekiston Respublikasida tadbirkorlikni rivojlanirishga bag'ishlangan davlat jamg'armasining operatsion sohalarini o'rganiladi va O'zbekistonning yangi strategiyasi doirasida ko'b taraqqiyotini rag'batlantirishga qaratilgan asosiy tashabbuslar bayon etiladi.

Kalit so'zlar: kichik biznes, o'rta biznes, YAIM, ishsizlik darajasi, strategiyalar, islohotlar, davlat islohotlari, Yangi O'zbekiston, davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash.

ЗНАЧЕНИЕ СЕКТОРА МАЛОГО И СРЕДНЕГО БИЗНЕСА ДЛЯ СТИМУЛИРОВАНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СТРАНЫ

Туганбекова Нурсулув

Старший преподаватель кафедры
«Менеджмент и маркетинг» Международный
Университет Кимё в городе Ташкент

Аннотация. В данной статье освещаются темы социально-экономической значимости развития малого и среднего бизнеса в стране, необходимости государственной поддержки в этой области, ключевые показатели предприятий малого бизнеса в различных отраслях экономики, направления деятельности государственного фонда поддержки предпринимательства в Республике Узбекистан, а также основные меры по поощрению развития малого и среднего бизнеса в рамках стратегии Нового Узбекистана.

Ключевые слова: малый бизнес, средний бизнес, ВВП, уровень безработицы, стратегии, реформы, государственные реформы, Новый Узбекистан, государственная поддержка.